


86.38
7-48



ИМОМ
ТЕРМИЗИЙДАН
ҚИРҚ ХАДИС



86.38
Т-11

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИСЛОМШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

ИМОМ ТЕРМИЗИЙДАН ҚИРҚ ҲАДИС



Тошкент
2018

УЎК 28
КБК 86.38
Т 41

Юртимиздан етишиб чиққан машхур муҳаддис олим Имом Абу Исо Термизийнинг “Жомеъус сунан” асари энг ишончли олти ҳадис тўплами (Сихохи ситта) сирасига киради. Унда турли мавзулардаги ҳадислар жамланган. Ушбу рисолада ана шу китобдан саралаб олинган қирк ҳадис ва уларга изоҳлар жамланди.

Имом Термизийдан қирк ҳадис [Матн] / нашрга тайёрловчи А. Аллоқулов. - Тошкент : MOVAROUNNAHR, 2018. - 48 б.

Масъул муҳаррир:
Зоҳиджон Исломов

Нашрга тайёрловчи:
Абдулагиф Аллоқулов

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 7 июлдаги 4218-сонли хулосаси асосида
нашрга тайёрланди.*

ISBN 978-9943-12-546-9

© Мовароуннаҳр, 2018

АБУ ИСО МУҲАММАД ТЕРМИЗИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ИЖОДИ

Ҳадисларга оид оламшумул аҳамиятга молик асарлар яратган буюк алломалардан бири машҳур муҳаддис Абу Исо Муҳаммад Термизийдир. Унинг тўлиқ исми Абу Исо Муҳаммад ибн Савра ибн Мусо ибн Даҳҳок Суламий (умрининг охирларида кўзлари ожиз бўлиб қолганлиги учун “Дарир” тахаллуси билан ҳам аталган) Термизий бўлиб, 824 йили Термизда таваллуд топди. Ўрта Осиёлик машҳур олим ва тарихчи Абу Саъд Абдулкарим Самъоний “Ал-ансоб” номли асарида ёзишча, Термизий Буғ (ҳозирги Шеробод тумани) қишлоғида вафот этиб, ўша жойда дафн этилгани учун унинг номига “Буғий” тахаллуси ҳам қўшилган. Алломанинг ёшлик йиллари Термиз шаҳрида ўтган, дастлабки маълумотни ҳам шу ерда олган. Ёзма манбалар ва тарихий осори атиқалардан маълумки, ўрта асрларда Термиз ҳам Ўрта Осиёнинг Бухоро, Самарқанд, Насаф сингари илм-фан ва маданияти ривожланган шаҳарларидан бири бўлган. Мана шундай маданий муҳитда ўсган Термизий ёшлигидан турли илмларни эгаллашга катта қизиқиш билан интилган. Болалигидан ўта зийраклиги, қуввай ҳофизаси, яъни ёдлаш хотирасининг кучлилиги ва фавқулодда

TERMIJANM
402199

ноёб қобилияти билан ўз тенгқурларидан ажралиб турган Термизий диний ва дунёвий фанлар, айниқса, ҳадис илмини алоҳида қизиқиш билан эгаллаган ва бу борадаги ўз билимларини мутгасил ошириш мақсадида кўпгина Шарқ мамлакатларини зиёрат қилган. Жумладан, у узоқ йиллар Ироқ, Исфаҳон, Хуросон, Макка ва Мадинада яшаган. Кўп йиллар давом этган сафарлари пайтида Термизий қироат, баён, фикҳ, тарих, айниқса, ўзи ёшлигидан алоҳида меҳр кўйган ҳадис илми бўйича ўз даврининг йирик олимлари – машхур муҳаддислардан таълим олади. Унинг устозларидан Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Қутайба ибн Саид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Ғийлон ва бошқа машхур муҳаддисларни кўрсатиш мумкин.

Манбаларда ёзилишича, ҳадисларни тўплаш ва ўрганишда Термизий ҳар бир кулай фурсат ва имкониятдан унумли фойдаланган. У йўлда, сафарда бўлганда ҳам ёки бир жойда муқим турганда ҳам ўз устозларидан, учратган ровийлардан эшитган ҳадисларни дарҳол ёзиб олар, уларни тартибли равишда алоҳида-алоҳида қайд қилиб борарди.

Ўз даврининг етук муҳаддис олими сифатида танилган Термизий кўпдан-кўп шогирдларга устозлик қилган. Ҳадис илми борасида унинг шогирдларидан Макхул ибн Фазл, Муҳаммад ибн Маҳмуд Анбар, Ҳамад ибн Шокир, Абд ибн Муҳам-

мад Насафий, Ҳайсам ибн Кулайб Шоппий, Аҳмад ибн Юсуф Насафий ва Абул Аббос Муҳаммад ибн Маҳбубийларни санаб ўтиш мумкин. Илму ирфон олиш мақсадида узоқ йиллар давом этган хорижий сафарлардан қайтган Термизий ўз юртида йирик муҳаддис олим сифатида шуҳрат қозониб, асарлар таълиф этиш, кўплаб шогирдлар тайёрлаш билан машғул бўлди. У 892 йилда Термиздан узоқ бўлмаган Буғ қишлоғида вафот этади ва шу ерда дафн этилади.

Аслида, Қуръони каримда инсон ҳаётига оид жамики масалалар ўз аксини топган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нинг ўзлари айтган ибратомуз панд-насиҳатлари, диний, ахлоқий масалалар хусусидаги фикру мулоҳазалари, кўрсатмалари ҳамда ҳаётлари, фаолиятлари хусусида саҳобийлар томонидан айtilган ҳикоят ва ривоятлар исломий таълимотни тўлдириб, кўп ўринларга аниқлик киритиб бергани учун ҳадислар Қуръони каримдан кейин турадиган асосий манба сифатида қабул қилинган.

Имом Термизий фаолият кўрсатган тўққизинчи асрга келиб, ҳадисларни ниҳоятда аниқ, муҳим, шубҳа уйғотмайдиган манбаларга асосланиб тўплашга алоҳида аҳамият бериш давр талаби бўлган эди. Негаки, ўша даврнинг ўзидаёқ ноаниқ, чала-чулпа, ҳатто сохта ҳадислар ҳам эл орасида

тарқай бошлайди. Шундай пайтда, уларни қайта-қайта текшириб, бетиним меҳнат натижасида асл ҳолига қайтарган, ишончли манбалар асосида тўплаб ёзма равишда тартибга келтирган олти та ҳадислар тўплами (ас-Сихоҳ ас-ситта)ни тузган муаллифлар борки, улар энг нуфузли ва ишончли муҳаддислар дея тан олинади. Мана шу машхур муҳаддислардан бири Имом Термизийдир.

Имом Термизий қаламига мансуб асарларнинг аксарияти бизгача етиб келган. “Ал-жомеъ”, “Аш-шамоиля ан-набавия”, “Ал-илал фил ҳадис”, “Рисола фил-хилоф вал жадал”, “Ат-тарих”, “Китоб аз-зуҳд”, “Китоб ал-асмо вал куна” каби асарлар шулар жумласига киради.

Имом Термизийнинг асарлари ичида энг машхури, шубҳасиз, “Ал-жомеъ” бўлиб, аввал эслатиб ўтганимиздек, олти та ишончли ҳадислар тўплamlаридан бири ҳисобланади. Ушбу асар илмий адабиёт ва манбаларда “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”, “Жомеъ ат-Термизий”, “Сунан ат-Термизий” номлари билан ҳам аталиб, Пайғамбар (алайҳиссалом) мероси ва фаолиятига доир муҳим манбалардан ҳисобланади.

Шуни айтиш жоизки, буюк ватандошимиз Абу Исо Муҳаммад Термизий бизга бой ва катта илмий мерос қолдирган. Афсуски, ҳозирча бу қимматбаҳо мерос республикамизда етарлича ўрганилгани йўқ. Кенг жамоатчилик ҳам унинг ҳаёти ва ижоди хаки-

да тўлиқ маълумотга эга, дея олмаймиз. 2010 йилда «Сунани Термизий»нинг биринчи жилди, 2017 йилда иккинчи жилди зарур шарҳ ва изоҳлар билан тўлдирилиб, ўзбек тилида нашр этилганини бу борадаги эътиборга молик ишлардан бири дейиш мумкин.

Айни вақтда катта мамнуният билан таъкидлаш керакки, буюк муҳаддиснинг Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ҳудудида жойлашган. Мақбараси мустақиллигимиз шарофати билан батамом қайта қурилиб, алломанинг юксак мақомига муносиб замонавий, гўзал ва мухташам ёдгорлик мажмуаси барпо этилди.

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ «АЛ-ЖОМЕЪ АС-СУНАН» АСАРИДАН 40 ҲАДИС

Мўмин ким?

1. Аббос ибн Абдулмутталиб (розияллоҳу анҳу) дан ривоят қилинади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Ким Аллоҳни – Рабб, Исломни – дин, Муҳаммадни – Расул, деб рози бўлса, имон таъмини тотган бўлади”*, дедилар”.

Изоҳ: Мазкур ҳадисда улкан маъно баён этилмоқда. Унда имон таъмини тотиш, имон мукамаллигига эришиш қайси йўл билан амалга ошиши мумкинлиги баён қилинмоқда. Бунинг учун эса, қуйидагиларга рози бўлиши керак:

“Аллоҳни – Рабб” деб рози бўлиш. “Рабб” Аллоҳ таолонинг гўзал исмларидан биридир. Аллоҳ таоло бутун оламларнинг яратувчиси, уларга ризқ берувчи, барча тирик жонзотнинг ҳар бир ҳолатини тадбир қилувчи, эгалик қилувчи ва тарбияловчиси бўлганидан шундоқ аталган. Аллоҳни Рабб деб рози бўлиш эса, Аллоҳ менинг яратувчим, тарбия этувчи, эгам, ризқ берувчим, ҳаётимни тадбир қилувчим, деб чин дилдан рози бўлишни англатади. Рози бўлиш оғиздаги куруқ гап эмас ёки кўнгилдаги гумон ҳам эмас. Балки тўлиқ ишонч ва қаноатдир. Ким шу ишонч билан, қаноат билан яшаса, имон таъмини тотиш йўлида катта кадам босган бўлади.

“Исломни – дин” деб рози бўлиш.

“Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни – Расул” деб рози бўлиш.

Дин – Аллоҳ томонидан юборилган, инсоннинг икки дунё саодатига эришиши учун зарур бўлган кўрсатмалар тўпламидир. Демак, имон таъмини тотиш учун инсон Исломга тўлиқ амал қилиб яшашим керак, деган ишончга ва қаноатга эга бўлиши лозим.

Бунинг учун эса, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни Расул, яъни Аллоҳнинг элчиси, деб рози бўлиш керак. Ислом таълимотлари, ҳукмларини Аллоҳдан деб қабул қилиб, бандаларга етказган, ҳаётга татбиқ қилиб кўрсатган зот Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дир. У зотни Расул деб рози бўлмагунча имон таъмини тотиб бўлмайди. Шундай экан, Аллоҳни Рабб, Исломни дин, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни Расул деб, рози бўлган одамгина имон таъмини тотиши мумкин. Бу розилик эса, Аллоҳ ва Расулига бўйсунуш ва Ислом дини кўрсатмаларига амал қилишда кўринади.

Ўзгаларга азият бермаслик

2. Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам): *“Мусулмон, мусулмонлар унинг тилидан ва қўлидан саломат бўлган одамдир. Мўмин*

одамлар унга қонлари ва молларини ишонган одамдир», дедилар».

Изоҳ: Ҳадисда иккита муҳим масала, таъриф келмоқда. Яъни, унда комил мусулмон ва комил мўмин ҳақида сўз юритилмоқда. Ушбу ҳадисда келган мусулмон, мўмин таърифи афзаллик таърифидир. Мисол учун, *“Мусулмон мусулмонлар унинг тилидан ва қўлидан саломат бўлган одамдир”*, деган жумладан “мусулмонларга тили ва қўли билан озор етказган одам мусулмон бўлмайди” деган маъно чиқмайди. Бу таърифлардаги гаплар, “фалончини одам деса бўлади”, “фалончи ҳақиқий одам” қабилидаги гапга ўхшайди. Имон келтирган барча одам мусулмон ҳисобланса-да, фақат улар орасидан мусулмонларга озор бермаган, тили ва қўли билан зарар етказмаган одам комил мусулмон бўлади.

“Ислому”, “мусулмон” сўзлари ўзаги “саломатлик”, “тинчлик” маъноларини ифода этади. Шунинг учун комил мусулмон кишидан бошқа одамлар ёмонлик кўрмайди, доим тинч-омон, хотиржам бўлади, дейилмоқда.

“Тилидан ва қўлидан” дейилганда фақат шу икки аъзо назарда тутилган эмас. Одатда, кўпроқ одамларга тил ва қўлдан зарар, озор етади. Аммо бундан бошқа услуб ва йўллар билан ҳам озор бериш мумкин эмас.

“Мўмин одамлар унга қонлари ва молларини ишонган одамдир” деган таърифга тўхталайлик. “Имон”, “мўмин” сўзлари луғатда “омонлик”, “ишончли” маъноларини англатади. “Мўмин” сўзи бизда “хушфеъл” маъносида ишлатилиши ҳам шундан. Мўмин одам доимо тинчлик, омонлик тарафдори бўлганидан одамлар унга ишонч билдирадilar. Яъни, ўз жонлари ва молу мулкларига мўмин киши томонидан ёмонлик етмаслигига ишончлари комил бўлади.

Илм изловчиларга бериладиган мукофотлар

3. Абу Дардо (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: *“Ким илм талаб қилиш йўлидан юрса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилиб кўяди. Албатта, фаришталар толиби илмнинг ишидан рози бўлиб қанотларини кўяди. Албатта, олимга осмондаги зотлар, ердаги зотлар, ҳатто сувдаги балиқлар ҳам истиғфор айтади. Олимнинг обиддан афзаллиги худди ойнинг бошқа юлдузлардан афзаллигига ўхшайди. Албатта, олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Албатта, пайғамбарлар динорни ҳам, дирҳамни ҳам мерос қолдирмаганлар. Албатта, улар илми мерос*

қолдирганлар. Ким ўшани олса, улугъ насибани олибди”.

Изоҳ: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларининг бу ҳадисларида илм талаб қилиш билан бирга илмнинг ва олим одамнинг фазилатини баён қилиб бермоқдалар. Абу Дардо (розияллоҳу анҳу) умрларининг охирида Дамашқда яшаган. Бир куни ҳузурига мадиналик бир одам келибди. Абу Дардо (розияллоҳу анҳу) унга: “Сени бу ерга нима келтирди?” дедилар. У киши: “Мени фақатгина сендан эшитган бир ҳадисим келтирди”, деганида Абу Дардо (розияллоҳу анҳу) ушбу ҳадисни айтган.

“Албатта, фаришталар толиби илмнинг ишидан рози бўлиб қанотларини кўяди?” Баъзи таъвилларда уларнинг оёқ остиларига қанотларини кўяди, дейилган. Бошқа бир таъвилда эса, фаришталар учишдан тўхтаб, илм билан машғул кишиларни ўраб олишади, уларнинг раҳматлари ва нурларидан баҳраманд бўлишга уринадилар, дейилган.

Ҳадисдаги **“осмонлардаги зотлар”**дан мурод – фаришталар. “Ердаги зотлар”дан мурод – инсу жин ва ҳайвонлар. Истиффор айтиш эса, бировнинг хакига дуо қилишдир. Олим киши илм олгани учун, одамларни Аллоҳнинг йўлига чақиргани ва ҳидоятга бошлагани учун Аллоҳ таоло уни яхши кўради. Шунинг учун ҳам унинг муҳаббатини фа-

ришталарга, бутун махлуқотларнинг калбига солиб қўяди. Шу муҳаббат туфайли улар олимнинг ҳақиқага дуо қилади. Бу эса, диний илмлар олими бўлиш нақадар фазилатли эканини кўрсатади.

“Олимнинг обиддан афзаллиги худди ойнинг бошиқа юлдузлардан афзаллигига ўхшайди”. Олим диний илмларни яхши билувчи шахс. Обид ибодат қилувчи, доимо ўзи учун ибодат билан машғул киши. Осмонга қараган одамга ой катта бўлиб кўринади, у ер юзига нур сочади. Юлдузлар эса, кичкина бўлиб кўринади, уларнинг нури ўз атрофини зўрға ёритаётган бўлиб кўринади. Қоронғу кечада осмонга боққан инсон ойнинг юлдузлардан қанчалик афзал эканини дарҳол мулоҳаза қилади. Олим кишининг фазилати ҳам шундайдир. Обидлар юлдузлар каби фақат ўзлари учун ёруғлик чиқарсалар, олим киши қоронғу кечада нур сочган ой каби жоҳилият зулматида юрган одамларга ҳидоят нурини сочади. Обиднинг манфаати фақат ўзи учун бўлса, олимнинг манфаати ҳамма учун бўлади.

“Албатта, олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир”. Шу жумла бу ерда гап диний олимлар ҳақида кетаётганига далолатдир. Демак, уламоларимиз оддий кишилар эмас, пайғамбарларнинг меросхўрларидир. **“Албатта, пайғамбарлар динорни ҳам, дирҳамни ҳам мерос қолдирмаганлар”.**

Аллоҳ таоло уларга илмни берган эди. Шунинг учун ҳам: *“Албатта, улар илмни мерос қолдирганлар”*. Жумладан, Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳам фақат илмни мерос қилиб қолдирганлар. *“Ким ўшани олса, улуғ насибани олибди”*. Яъни, қайси бир одам ўша пайғамбарлардан мерос қолган илмни олса, улуғ насибани олган бўлади. Пайғамбарлар меросидан ҳам улуғ насиба бўлиши мумкинми?!

Илм олишдан мақсад...

4. Каъб ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: *“Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким илмни уламолар билан тортишиш учун, оддий халққа золиб келиб, ўзини кўрсатиш учун ёки у билан одамларни ўзига қаратиш учун ўрганса, Аллоҳ уни дўзахга киритади”*, дедилар”.

Изоҳ: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ушбу ҳадиси шарифларида илм талаб қилишда толиби илм ниҳоятда эҳтиёт бўлиши лозим бўлган учта хатарли ишдан огоҳлантирмоқдалар:

1. Илм талаб қилаётган киши уни уламолар билан можаро қилиш учун ўрганмаслиги керак. Бир илмни яхшилаб ўрганиш “уламолар билан талашиб-тортишиб, можаро қилиб, ҳаммасини енгиб, жим қилиб қўяй”, деган ниятда бўлмаслиги керак.

2. Оддий халққа ғолиб келиб, ўзини кўрсатиш учун илм талаб қилмаслик керак. Толиби илм ҳеч қачон илмни ўрганиб олиб, тушунмаган одамларни мағлуб этиб, ҳаммасини лол қилиб қўяй, деган ниятни дилига тугмаслиги лозим.

3. Илм билан одамларни лол қилиш, ўзига қаратиш учун илм талаб қилмаслиги керак. Одамлар: “Фалончи қори бўлибди, мулла бўлибди, қойил”, дейишлари учун ва шунга ўхшаган ниятлар билан илм олмаслик лозим. Агар шундай ният билан илм ўрганилса, оқибати яхши бўлмайди.

Бешиқдан то қабргача илм излаш

5. Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Мўмин интиҳоси жаннат бўлгунча (яъни, то жаннатга киргунича) ўзи эшитган яхшиликдан зинҳор тўймайди”*, дедилар».

Изоҳ: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларининг ушбу ҳадиси шарифларида мўмин киши умрининг охиригача яхшилик – илм талаб қилиб бориши зурурлиги, ана шунда жаннатга дохил бўлишини таъкидламоқдалар. Динимизда бешиқдан қабргача илм талаб қилиш зарурлигига ишора бу ҳадисда ўзига хос услуб билан баён этилмоқда. Мўмин киши доимо илм талаб қилиши, ўзи,

дини, биродарлари, эл-юрти учун фойдали бўлган нарсаларни узлуксиз ўрганиб бориши лозим.

Тиланчиликдан сақланиш

6. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят килинди: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: *“Сизлардан бирортангиз эрта тонгда бориб ўтин термоғи, уни орқалаб ташимоғи, ундан садақа қилмоғи ва шу билан одамлардан беҳожат бўлмоғи, сўраса ё берадиган, ё бермайдиган кишидан тиланиб юрмоғидан кўра, яхшироқдир! Юқори қўл паст қўлдан яхшироқдир! Аввал қўл остингиздагилардан бошланг!”*

Изоҳ: Бу ҳадиси шарифда мусулмон киши олийҳиммат ва олийжаноб бўлиши кераклиги айтилмоқда. Инсон то белида куч-қуввати, ўз қўл меҳнати билан тирикчилик ўтказишга имкони бор экан, тиланчилик қилиб, жамиятга юк бўлиш йўлига асло қадам қўймаслиги керак. Балки жамиятда паст назар ила қаралувчи ишни қилиб бўлса ҳам, ҳалол-покизалик, пешона тери ва қўл меҳнати билан оиласи таъминотини чиройли адо этишга ҳаракат қилиши лозим экан. Ундан орттира олса, оз бўлса ҳам, камбағал-мискинларга ёрдам қўлини чўзишига тарғиб қилинмоқда. Бу нақадар олийжаноблик, нақадар олийҳимматликдир!

Судхўрликдан сақланиш

7. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) рибохўрни, унинг едирувчисини, котибини ва икки шоҳид-гувоҳини лаънатладилар ва: **“Улар (гуноҳда) баробардирлар”**, дедилар».

Изоҳ: «Рибо» сўзи луғатда «ўсиш», «зиёда бўлиш» маъносидадир. Шариат истилоҳида эса, рибо – эвазсиз олинган ортиқча маблағдир. Масалан, бир киши бошқа бир одамга минг сўм миқдорида қарз бериб, шуни маълум вақт ўтгач, минг бир юз сўм қилиб қайтариб олиши рибодир. Чунки минг сўмдан ортиғи, яъни юз сўмни ҳеч қандай эвазсиз олмоқда. Бу иш ҳаромдир. Чунки у минг сўм қарз берган эди. Қайтариб олишда ҳам шу миқдорни олиши керак эди. Бу ҳадисдан рибо қанчалар ёмон нарса эканини яна ҳам аниқроқ тушуниб оламиз. Унга аралашган ҳар бир киши Аллоҳнинг лаънатига қолиши айтилимоқда:

1. **Рибохўр.** Ҳаром қилинган нарсани еган одам, албатта, Аллоҳнинг лаънатига қолиши табиий бир ҳол.

2. **Унинг едирувчиси.** Рибо берувчи ҳам ҳаром қилинган йўл билан молиявий муомала қилгани сабабли Аллоҳнинг лаънатига қолади.

3. **Котиби.** Рибо муомаласини ёзиб хужжатлаштирган киши ҳаром ишнинг юришига ҳисса қўшгани сабабли лаънатга учрайди.

4. *Икки шоҳид*. Рибо муомаласига шоҳид-гувоҳ бўлиб турган одам ҳаром иш учун хизмат қилиб, унга хисса кўшгани учун гуноҳкор бўлади. Динимизда асосий ишларга восита бўлган ишларни килувчилар ҳам асосий айбдорларга тенглаштирилиши бежиз эмас. Чунки ҳар бир жамиятда бирор ёмон ишнинг тарқалишига икки гуруҳ баробар хисса кўшадилар.

Баъзи ҳолларда ишнинг юзага чиқишига айнан ўша ёрдамчилар сабаб бўлади. Фараз қилайлик, ҳамма гуноҳ ишга ёрдамчи бўлишдан бош тортиб туриб олса, ўша иш жамиятда кенг тарқалиши мумкинми?! Албатта, йўқ! Шунинг учун ҳам бундай ишларга умуман яқинлашиш керак эмас. Бирор сабабга кўра аралашиб қолганлар бўлса, дарҳол тавба қилишлари ва бу ишлардан четда бўлишлари шарт.

Эҳтиёжларимизни Яратгандан сўрайлик

8. Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам): *“Сизлардан бирингиз Раббисидан ўзининг барча ҳо-жжатларини сўрасин. Ҳатто оёқ кийиминииз узил-либ қолган боғичини ҳам”*, дедилар”.

Изоҳ: Ҳадиси шарифда бандаларнинг Аллоҳ таолога дуо қилишлари Раббимизни мамнун қиладиган амал экани ҳақида сўз бормоқда. Бу дунёда

бир одамдан қайта-қайта кичик нарсалар сўрайверилса, қанчалик саховатли бўлмасин, охир-оқибат у эътироз билдиради, ғазабланади. Аллоҳ таоло эса бандалари кўп сўрагани сайин шунча мамнун бўлади.

Банда ўз эҳтиёжларини, у қанчалар кичик бўлмасин, бандалардан эмас, Аллоҳ таолодан сўрашни одатга айлантириши лозим. Арзимаган машаққати бўлса ҳам, уни кетказишни Аллоҳ таолодан сўраши керак. Бола бир муаммога рўбарў келса ёки унга бирор машаққат-қийинчилик етса, ўз онасини чақиргани каби, инсонга ҳам бирор ташвиш келса, Аллоҳ таолодан ёрдам сўраши, Унга дуо қилиши лозим.

Салом бериш

9. Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Менга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Эй ўғлим! Аҳлингга кирсанг, салом бергин. У сенга ва уй аҳлингга барака бўлади”*, дедилар”.

Изоҳ: Саломлашиш фазилати ҳақида қанча кўп гапирилса, шунча оз. Бу нарса инсониятга кўплаб хайр-барака келтиради. “Ассалому алайкум” исломий сўрашиш, исломий табриқдир. Турли халқ, миллат ва элатлар турлича сўрашадилар. Бир-бири билан кўришган одамлар “хайрли тонг”, “яхшимисиз”, “саодатли бўлинг” каби иборалар орқали ўзаро истак билдирадилар. Лекин ҳеч ким, ҳеч

бир тузум, ҳеч бир жамият ёки фалсафа “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху”, яъни “Сизга тинчлик, саломатлик, Аллоҳнинг раҳмати ва баракалари бўлсин”, деб сўрашишни ўзининг энг афзал ишларидан қилмаган, ибодат даражасига кўтармаган. Таниса-танимаса, кўрган одамига салом берсин, деб кўрсатма бермаган. Салом бериш – суннат, алик олиш эса – вожиб. Кўринишидан оддийгина бўлган бу амал оламшумул аҳамият касб этишини мусулмонларгина билади. Саломни фақат таниган инсонларга бериш керак, деган гап динимизда йўқ. Балки, нотаниш кишиларга ҳам салом бериш ажру савобдир.

Касал кўргани бориш

10. Сувайр отасидан ривоят қилади: “Ҳазрати Али кўлимдан тутиб: “Ҳасанни кўриб келишга биз билан бор”, дедилар. Унинг ҳузурига (борганимизда) у ерда Абу Мусони кўрдик. Шунда, Али (розияллоҳу анху): “Эй Абу Мусо! Касални кўргани келдингми ёки шунчаки зиёратгами?” деди. У: “Йўқ, касални кўргани”, деди. Шунда Али (розияллоҳу анху): “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Қайси мусулмон киши бемор мусулмонни кундуз кун кўргани борса, етмиш минг фаришта кеч киргунча унга салават айтади. Агар у кеч кирганда бирор беморни кўргани борса, тонгга-*

ча етмиш минг фаришта унинг ҳақиқа салавот айтади ва унга жаннатда бир боғ берилади”, деганларини эшитганман”, деди”.

Изоҳ: Беморларни зиёрат қилиш катта ажр-са-воб келтирувчи амаллардандир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мусулмоннинг бошқа мусулмондаги ҳақларини баён қилиб, беморларни зиёрат қилишни ҳам зикр қилдилар. Касал кўргани бориш суннат амал ҳисобланади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ўзига хос одатларидан бири, таниш-билишларидан бирортасининг беморлиги кулоқларига чалинса, албатта, уни кўргани борар эдилар. Беморни зиёрат қилиш одобларидан бири касалнинг пешонасига қўлни қўйиб, ундан ҳол сўрашдир. Бунда, қўлни қўйиб, ҳол сўраш касалга огир келмаслиги шарт қилинади. Агар бу иш беморни безовта қилса, пешонасига қўл қўйиш ҳам, ҳол сўраш ҳам дуруст бўлмайди. Бундай вазиятларда касалга қараб турган кишилардан ҳол-аҳвол сўраш кифоя қилади.

Катталарни ҳурмат қилиш

11. Амр ибн Шуъайб отасидан, у бобосидан ривоят қилади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***“Кичикларимизга раҳм қилмаган, катталаримизнинг ҳақини билмаган киши биздан эмас”***, дедилар”.

Изоҳ: Ислом динида ҳурматга такво ва илм орқали сазовар бўлинса-да, ёши кичикларга ҳам ўзларидан катталарни ҳурмат қилиш буюрилади. Сочларига оқ оралаган кексаларни ҳурмат қилиб, улуғлаш канчалар фазилатли экани мазкур ҳадисдан маълум бўлмоқда. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳузурларига келган элчилар орасидан бирор ўспирин катталардан олдин гап бошласа, У зот “Катталарга биринчи сўз берилади”, деб таъкидлар эдилар. Юқорида келтирилган ҳадислардан, катталарга ҳурмат кўрсатиш ажру-савобли иш экани маълум бўлади.

Ўзгаларга ёрдам бериш

12. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Мусулмон мусулмоннинг инисидир. Унга хиёнат қилмайди, ёлғон гапирмайди, ёрдамсиз ташлаб қўймайди. Ҳар бир мусулмоннинг обрўси, моли ва қони бошқа мусулмон учун ҳаромдир. Такво бу ердадир (деб қалбларига ишора қилдилар). Ёмонликдаги ўрнига қараб киши мусулмон инисини таҳқирлайди”*.

Изоҳ: Ҳадисда мусулмонлар ўзаро ака-укалар экани, улар асло бир-бирига хиёнат қилмаслиги, ёлғон гапирмаслиги, бошига ташвиш келганда ўз ҳолига ташлаб қўймаслиги ва бир-бирларини из-

зат-нафсига тегмасликлари ҳақида сўз бормоқда. Ушбу кўрсатмалардан хулоса олган мўминлар ҳадисда кўрсатилганидек, бир-бирига меҳр-муҳаббатли ва ғамхўрликда ака-укалар каби биродар бўлиб яшашлари лозим бўлади.

Гўзал хулқ

13. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан кишиларни жаннатга олиб кирувчи энг афзал амал ҳақида сўралди. У зот: *“Аллоҳдан тақво қилиш ва гўзал хулқ”*, деб жавоб бердилар”. Шунингдек, инсонларни дўзахга олиб кирувчи энг ёмон амал ҳақида ҳам сўралдилар. У зот: *“Икки аъзо, яъни оғиз билан фарж”*, деб жавоб бердилар”.

Изоҳ: Мазкур ҳадисда динимизнинг асосини ташкил қилувчи икки амал ҳақида сўз юритилмоқда. Улардан бири, Аллоҳ таолодан қўрқиш, яъни ҳар бир ишни қилишдан олдин киши Аллоҳ таолони ёдга олиши, бу иш Қуръони карим, ҳадиси шариф кўрсатмаларига тўғри келадими, деб ўйлаши, бу ишим билан Аллоҳнинг розилигини топа оламанми ёки Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлмайманми, дея фикр юритиши – Яратгандан қўрқиш ҳисобланади. Ҳадисда келган иккинчи

нарсa бу – гўзал хулқдир. Инсон таълим-тарбия орқали ўзида гўзал хулқни, яъни Расулulloҳда акс этган сифатларни эгаллашга ҳаракат қилмоғи керак. Гўзал хулқли олим инсонлар билан кўпроқ суҳбатлашишга ҳаракат қилиши даркор. Кишида мазкур икки сифат бўлса, Расулulloҳнинг ваъдаларига мувофиқ, ундай инсон, албатта, жаннатга қиради. Чунки Аллоҳдан кўрққан банда асло итоатсиз бўлмайди, Аллоҳдан кўрққан инсон ўзгалар ҳақини ноҳақ йўл билан емайди, Аллоҳдан кўрққан инсон барчага ёрдам бериш пайдан бўлиб, уларга зиён етказишдан ўзини тияди. Гўзал хулқли инсон Аллоҳ билан ўзининг ўртасини, инсонлар билан бўлган муомаласини доимо чиройли хулқ асосига барпо қилади.

Ҳадис давомида инсонни дўзахга мубтало қиладиганлардан иккитаси ҳақида сўз бориб, улар оғиз ва жинсий аъзо экани айтилмоқда. Ҳа, инсон шариат доирасидан ташқарида қанчалар оғзига эрк берса ва қанчалар жинсий хоҳишини ҳаром йўл билан қондириш илинжида бўлса, шунчалар Аллоҳдан, Исломдан, мусулмонлардан йироқлашиб кетаверади. Аксинча, бу иккисини тақво ва гўзал хулқ билан жilовласа, шариат доирасида улардан фойдаланса, у икки нарсa ҳам инсон камолотига хизмат қилади.

Эрта тонгдан иш бошлаш

14. Саҳр Ғомидий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Эй Аллоҳим! Умматимнинг тонгига барака бер”*, дедилар”.

Изоҳ: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бомдоддан кейин, Қуёш чиқишидан олдин ухлашдан қайтарганлар ва бу вақтда ухлаш баракани кетказадиган сабаблардан бири эканини баён қилганлар. Бир куни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кизлари Фотима (розияллоҳу анҳо)нинг бомдоддан кейин ухлаётганини кўриб, уйғотдилар ва бу маҳалда ухлашдан қайтардилар. Кундалик ишларга киришишни эрта тонгдан бошлашнинг фазилати жуда каттадир.

Кўчат ўтқазииш

15. Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Қайси мусулмон кўчат ўтқазса ёки экин экса, ундан одамлар, қушлар ва ҳайвонлар истеъмол қилса, (бу иш) унинг учун садақа бўлади”*, дедилар”.

Изоҳ: Муносиб жойларга кўчатлар экиш ажру савобли ишлардандир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўчат ўтқазиишга кўп тарғиб қилганлар ва бу амални садақаи жорияга тенглаштирганлар. Бирор инсон ёки жонивор ўтқазилган кўчат ёки

экилган ҳосилдан фойдаланса, уни экканга узлуксиз савоб етиб туради ва бу у киши учун садакаи жория бўлади.

Тилни тийиш

16. Уқба ибн Омир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Эй Аллоҳнинг расули, нажот нимада?» дедим. У зот: *“Тилингга маҳкам бўл, уйинг сени сиғдирсин ҳамда гуноҳларинг учун йиғла”*, дедилар».

Изоҳ: Тил Аллоҳ таолонинг улуғ неъматларидандир. Унинг воситасида инсон хоҳласа, охирати учун яхши захира тўплайди, хоҳласа, охиратини барбод қилади. Шу боис, ҳадисларда тилни тийиш ва кам гапиришга катта эътибор қаратилиб, бу ишнинг фазилати баён қилинган. Ҳадисдаги “уйинг сени сиғдирсин”, деган сўзларидан кўзланган маъно “заруратсиз уйдан чиқиб, фитнага дучор бўлма”, деганидир. “Гуноҳларга йиғла”дан назарда тутилган маъно эса, “гуноҳинг учун афсус-надоматни изҳор қилиб, чин тавба қил”, деганидир.

Беҳуда гап-сўзлардан тийилиш

17. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Кишининг исломининг гўзаллиги беҳуда ишларни тарк қилишидадир”*, дедилар”.

Изоҳ: Қуръони Карим оятлари ва ҳадисларда беҳуда гап ва ишлардан сақланиш бўйича кўплаб кўрсатма ва тарғиботлар келган. Шу боис, мусулмон киши лағв гап-сўзлар, бефойда тортишув ва бетайин ишлардан доимо сақланиши лозимдир.

Яхши гумонда бўлиш

18. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Аллоҳ таолодан яхши гумон қилиш Аллоҳ таолога яхши ибодатлардандир”*, дедилар”.

Изоҳ: Аллоҳ таолодан қўрқиш билан бир қаторда, Унинг раҳматидан яхшиликни умид қилиш улкан ажрли амаллардандир. Қуръон ва ҳадисдаги кўплаб ўринларда Аллоҳ таолонинг раҳматидан умидвор бўлиш фазилатлари бот-бот таъкидланган.

Бунда, Аллоҳ таолонинг раҳматидан умидвор бўлиш дегани – қудрати етганича Унинг ҳукмига мувофиқ ҳаёт кечирिशга ҳаракат қилишдир. Банданинг ушбу ҳаракати давомида бирор гуноҳ ёки хато ўтса, Аллоҳ таолонинг раҳматидан умидвор бўлиши лозимдир. Аксинча, Аллоҳ таоло ҳукмидан тамоман ғафлатда бўлиб, ўзини ислоҳ қилишга эътибор қаратмай, нафсини шахвоний хаёллар оғушида эркин қўйиб юборган ва қилган хатолари ўзидан-ўзи мағфират бўлишини ўйлаган шахс қаттиқ қораланади.

Ўзини ислоҳ қилиш фикри билан Аллоҳ таолодан кўрқиб, чиройли гумон қилиш ва раҳматидан умидвор бўлиш энг мақбул амалдир.

Фарзандга гўзал тарбия бериш

19. Саъид ибн Ос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***“Бирор ота фарзандига гўзал одобдан кўра афзалроқ тухфа беролмайди”***, дедилар”.

Изоҳ: Мўмин киши вафот этганидан кейин ҳам агар фарзанди унинг ҳақиға дуо қилса, савоби етиб туради. Бунинг учун эса, мўмин-мусулмон киши ўз фарзандини ота-онаси ҳақиға улар ҳаётликларида ҳам, вафот этганларидан сўнг ҳам дуо қиладиган такводор мусулмон қилиб тарбиялаши лозим.

Ортидан солиҳ фарзанд қолдириш ҳам жуда эзгу иш. Ҳозирда калимаи шаҳодатни ҳам айта олмайдиган, дину диёнатдан беҳабар, умрида пешонаси сажда кўрмаган, бошқа ибодатларни қилишни ҳаёлига ҳам келтирмайдиган, дунёдаги ҳамма ёмонликлардан қайтмайдиган кимсаларни ота-онасининг ҳақиға дуо қиладиган солиҳ фарзанд дея оламизми?! Бундай фарзандлар ҳеч қачон ўз ота-оналари ортидан савоб юбора олмайдилар, аксинча, лаънат, қарғиш келтирадилар.

Шунинг учун ҳар бир фарзанд дину диёнатли

бўлиб, илмли, тоат-ибодатли бўлиб, намозларидан ва бошқа яхши амалларидан кейин ота-оналари ҳақиқага дуо қила олиш даражасига кўтарилиши лозим. Ана шунда Аллоҳ таоло ҳузурида бандалик бурчини, ота-она ҳузурида фарзандлик бурчини адо этган бўлади. Шу билан бирга, ота-оналар ўз фарзандларига исломий тарбия беришга алоҳида эътибор қаратишлари керак. Ана шундагина ортларидан дуо қилиб турадиган солиҳ фарзанд қолдиришлари мумкин. Ана шундагина ўлгандан кейин ҳам савоби кесилмайдиган амал қолдирган бўладилар.

Чап қўлда еб-ичмаслик

20. Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Сизлардан бирортангиз чап қўли билан емасин ва чап қўли билан ичмасин. Албатта, шайтон чап қўли билан еб, чап қўли билан ичади”*, дедилар”.

Изоҳ: Ўнг қўл ҳалол-пок нарсалар, таом учун ажратилган. Нопок нарсаларни ушлашга эса, чап қўл ажратилган. Шунинг учун ҳам ҳожат пайтида аврат аъзони ўнг қўл билан ушламаслик керак. Агар айтиш жоиз бўлса, бу нарсалар мусулмонча маданиятнинг белгиси, мусулмонларни бошқалардан ажратиб турадиган хусусиятлардандир.

Овқатланишдан олдин “бисмиллоҳ” айтиши

21. Ойша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Сизлардан бирингиз таомланмоқчи бўлса, “Бисмиллоҳ (Аллоҳнинг исми билан)” десин. Агар бошида айтишни унутса, “Бисмиллаҳи фи аввалиҳи ва ахириҳи” десин*”, дедилар».

Изоҳ: “Бисмиллоҳ”ни ҳар бир ўринли, эътиборли, савобли ишни бошлашда айтиш Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг суннатларидир. Шу сабабли, ҳар бир мусулмон, суннатга эргашиб, “бисмиллаҳ” билан ишга киришишни одатга айлантириши лозим. Уйга кириб-чиқаётганда, транспортга минганда ва тушганда, масжидга кириш ва чиқишда, овқат еб, сув ичаётганда, кийим ва пойабзал кияётиб, китоб ўқиётиб, хат ёзаётиб, рўзғор ишларига киришишдан олдин ва ким биландир янги муомала қилишдан олдин, хуллас, ҳар бир хайрли ишни бошлашда “басмала”ни айтишни одат қилиш керак.

Мазкур амал қийинчиликсиз, озгина эътибор билан бажарилади ҳамда номаи аъмолда яхшиликларнинг узлуксиз кўпайиб боришига сабаб бўлади. Унинг баракотидан, зоҳиран дунёвий бўлиб кўринган ишлар ҳам савобли ибодатга айланади.

Олдин онага, сўнг отага ва қариндошларга яхшилик қилиш

22. Баҳз ибн Ҳаким отасидан, у бобосидан ривоят қилади: “Эй Аллоҳнинг Расули, кимга яхшилик қилай?” дедим. У зот: “*Онангга*”, дедилар. “Сўнгра кимга?” дедим. У зот: “*Онангга*”, дедилар. “Сўнгра кимга?” дедим. “*Онангга*”, дедилар. “Сўнгра кимга?” дедим. “*Отангга, сўнгра яқинларингга ва яна яқинларингга*”, дедилар”.

Изоҳ: Ҳадиси шарифда онанинг фарзанд камолотидаги меҳнати ва унинг кадри, отанинг меҳнати ва унинг кадри ҳақида сўз бормоқда. Она фарзандини тўққиз ой қорнида кўтариб, кўп қийинчиликларни бошидан ўтказди. Бола дунёга келгандан кейин, она унинг турли хархашаларини кўтариб, тарбиялайди. Ота эса, бундай машаққатларга асло бардош бера олмайди. Бола кечалари уйғониб қолса, она ўзининг ширин уйқусидан воз кечиб, боласининг қорнини тўйдириб, яна ухлатиб қўяди. Шу боис, фарзанддан доимо ота-онаси қалбига азият етказмаслик пайида бўлиши ва уларни ранжишига сабабчи бўладиган ишлардан ўзини йироқ тутиши талаб этилади.

Ғазаб қилмаслик

23. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Бир киши Набий (соллаллоҳу алайҳи ва

саллам)нинг ҳузурига келиб: “Менга бирор нарса ўргатинг, лекин кўпайтириб юборманг. Токи, англаб олай”, деди. У зот: “**Ғазаб қилма**”, дедилар. У саволини бир неча марта такрорлади. У зот ҳар гал: “**Ғазаб қилма**”, деб жавоб бердилар”.

Изоҳ: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) инсонларни қалбига назар солиб, улардаги камчиликни англаб, берилган саволга шундан келиб чиқиб жавоб берар эдилар. Худди шундай саволга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар хил жавоб берганлари маълум. Бу савол берувчи билан ёки вазият билан боғлиқдир. Ғазаб ҳолатида инсон ўзи англамай шариатга тўғри келмайдиган сўзларни айтиб, ишларни қилиб қўйиши мумкин. Шунинг учун киши иложи борича ғазабланмаслиги нохуш вазиятларда ҳам ўзини тута билиши ёки ғазаблангудек бўлса, уни тезроқ кетказиши лозим. Ҳа, албатта, шариат доирасида ғазабланиш яхши амалдир. Лекин шариат чегарасидан ташқаридаги ғазаб доимо қораланган. Мазкур ҳадисда ҳам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шариатга зид, ноўрин ғазабланишдан қайтармоқдалар.

Мулойим ва сабрли бўлиш

24. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ашаж Абдулқайсга: “*Албатта, сенда Аллоҳ*

яхши кўрган икки хислат бор: ҳилм (мулоимлик) ва сабр”, дедилар”.

Изоҳ: Бу дунёда қийинчилик, ғам-андуҳ етмаган инсоннинг ўзи бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Инсон қанчалар бой, қанчалар озод, қанчалар яхши ва тақводор бўлмасин, тақдирида ёзилган хурсандчилик билан бирга ғамга, роҳат билан бирга машаққатга рўбарў бўлади. Ўтган улуғ-улуғ пайғамбар (алайҳиссалом)лар ҳам машаққат ва қийинчиликларни бошларидан ўтказганлар.

Инсон сабрсизлик қилиб ҳар вақт, ҳар жойда ўз ғами ва тақдирдан нолиса ҳам барибир машаққатлардан кутула олмайди. Бир кун келиб у машаққат қайғусининг ўлжасига айланади. Бошга тушган мусибатга сабрсизлик қилиш – энг катта йўқотилиш ва савобдан бебаҳра қолишдир.

Инсон машаққат ва безовталиқ пайтида: “Бир неча кунлик дунё машаққати, ғамларидан ҳеч ким мутлақо кутула олмайди. Аллоҳ таолонинг бирор ҳукми ҳикматсиз эмас. Гарчи, менга машаққат етиб, дилим қийналса-да, Аллоҳ таоло ҳукмига бирор шикоятим йўқ. Чунки У менга нима яхши-ю, нима ёмон эканини биледи. Бошимга синов келганда Аллоҳ таоло томон юраман, У менга уни яхши қилиб қўйиб, қалбимга хотиржамликни ато қилди”, деган фикрда бўлиш лозим.

Ҳаё

25. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Ҳаё имондандир. Имон эса жаннатдадир. Уятсиз сўзлар жафодир. Жафо эса дўзахдадир”*, дедилар”.

Изоҳ: Уламоларимиз имон ва унинг тармоқларини дарахт ва унинг шохларига ўхшатадилар. Имонни кўп шохлари бор бир гўзал дарахт деб тасаввур қилсак, ўша кўркам дарахтнинг бир шохи хаёдир. Дарахт ҳамма шохлари билан гўзалдир. Аллоҳ кўрсатмасин, бирор шохи синса, дарахтнинг гўзаллигига путур етади. Инсоф билан ўйлаб кўрайлик-чи, имон дарахтимизнинг ҳамма шохлари, танаси бутми? Нечта шохи кесилган, нечтаси қуриган? Уларни ўрнига келтириш учун нималар қилмоқдамиз?

Инсонларга раҳмли бўлиш

26. Жарир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Ким инсонларга раҳм қилмаса, Аллоҳ ҳам унга раҳм қилмайди”*, дедилар”.

Изоҳ: Мазкур ҳадиси шарифда раҳм-шафқатга тарғиб бор, яъни инсон ўзини яқинларига, ёру дўстларига, кўни кўшнларига, атрофидагиларга ва мавжудотларга раҳмли бўлса, Аллоҳ таоло ҳам

унга раҳм қилиши баён этилмоқда. Аксинча, ким бандаларга, мавжудотларга шафқатсиз муомалада бўлса, Аллоҳ таоло ҳам унга раҳм қилмаслиги таъкидланмоқда. Шундай экан, ота ўз аҳли аёлига, бошлиқ ўз ходимларига меҳрибон бўлиши, улар билан дағал муомалада бўлмаслиги, ҳақларига хиёнат қилмаслиги, обрўларини тўкмаслиги талаб қилинади.

Бошқаларнинг обрўсини сақлаш

27. Абу Дардо (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***“Ким биродарининг обрўсини (тўкилишидан, яъни ғийбат қилинишидан) сақласа, Аллоҳ таоло Қиёмат кунининг юзини дўзахдан сақлайди”***, дедилар”.

Изоҳ: Ислом инсоннинг бешта нарсасини доимо ҳимоя қилади. Улар ақл, жон, насл, обрў ва мол-мулкдир. Кишининг обрўсини тўкиш турли кўринишларда намоён бўлади. Масалан, бир аёлни фоҳиша деб ҳақоратлаш ёки бир эркекни зинокор деб ноҳақ айблаш ёки кимнингдир устидан мазах қилиб кулиш, ғийбат қилиш ва шунга ўхшаш бирорнинг обрўсини тўкилишига олиб борадиган ишлар динимиз қайтарган амаллардандир.

Ҳар бир яхшилик садақадир

28. Жобир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***“Ҳар бир яхшилик садақадир. Очиқ юз ила биродаринг билан учрашмогинг ва биродаринг челагига ўз челагингдан сув қуйиб беришинг ҳам яхшиликдандир”***, дедилар».

Изоҳ: Одамларга очиқ юз ва хушхулқ билан юзланиш Аллоҳ таоло ҳузурида маҳбуб иш бўлиб, бунга ҳам ажр берилади. Бу ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) икки кишининг бир-бири билан мамнун ҳолда кўришишини яхшилик деб баҳоламоқдалар. Шу билан бирга, ҳеч қайси яхшиликни арзимас деб билмасликни уқтирмоқдалар. Шундай қилиш орқали номаи аъмолингизда яхшиликларни зиёда қилиб олишингиз мумкин.

Икки ёмон хислат мўминда жам бўлмайди

29. Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***“Мўминда икки (ёмон) хислат жам бўлмайди: бахиллик ва ёмон хулқ”***, дедилар».

Изоҳ: Ҳадисда, бахил ва хулқи ёмон кишилар комил мўмин бўлмаслиги, яъни мўмин киши бахиллик ва ёмон хулқдан воз кечиши кераклиги

таъкидланмоқда. Бу икки нарса қалб касали ҳисобланади. Албатта, киши ташқи ва ички аъзолари касалга чалинса, уларни даволаш чораларини излаб, ботиний дардлардан ҳам шифо топишга уриши лозим. Ислом динида бу икки касалликдан даволанишнинг турли йўллари баён қилинган. Жумладан, закот бериш орқали мусулмон жамиятидаги иқтисодий соҳа мустаҳкамланади ва кишилар бахиллик балосидан покланадилар. Қайси бир жамиятда бахиллик бўлса, қайси бир кишида бахиллик бўлса, оқибати ёмон бўлиши ҳаммага маълум. Бу муаммони ҳал қилишнинг энг тўғри йўли закотдир. Закотга қурби етмайдиган кишилар ҳам имкониятига қараб ўзгаларга хайр-эҳсон қилишга одатлансалар, бахиллик касалидан секин-аста даво топиб, ундан халос бўладилар.

Кибрдан сақланиш

30. Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Кимнинг қалбида зарра миқдорича кибр бўлса, жаннатга кирмайди. Кимнинг қалбида зарра миқдорича имон бўлса, дўзахга кирмайди”*, дедилар».

Изоҳ: Кибр, ўзини катта тутиш, такаббурлик инсониятга хос бўлмаган сифатдир. Чунки инсонлар Аллоҳнинг бандалари, яъни қулларидир. Қул

хожасининг сифатини тортиб олиши унинг ҳаддан ошганидан дарак беради. Ўз навбатида хожа бунга асло йўл қўймайди. Шу маънода кибр, такаббурлик бу Аллоҳ таолога ярашадиган сифатдир. Бандага бу сифат асло ярашмайди. Шундай экан, ўзида такаббурлик аломатларини ҳис қилган инсон Аллоҳ таоло ва Унинг сифатлари, еру осмоннинг яратилиши, Расулуллоҳнинг сийратлари, солиҳ зотлар ва улуғ олимлар ҳаётини ўқиб ўрганиб, улардан ибрат олиб, тафаккур юритиб, ўзини тузатиши лозим бўлади.

Озор берувчи нарсаларни йўлдан олиб ташлаш.

31. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Бир одам йўлда ётган тиконли шох-шабба олдидан ўта туриб, уни олиб ташласа, Аллоҳ ундан рози бўлади ва уни магфират қилади”*, дедилар».

Изоҳ: Мўмин киши ўзгаларга азият етказадиган нарсаларни доимо бартараф қилишга ҳаракат қилади. Мўмин тили билан ҳам, бирор аъзоси билан ҳам ўзгаларга озор беришни хоҳламайди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадис орқали мўмин киши мўмин-мусулмонларга азият берадиган нарсаларни олдиндан бартараф қилишга чақир-

моқдалар. Йўлда ётган тош ёки шох-шабба каби нарсалар қоронғида кўринмай қолади ва йўловчилар унга қоқилиб, турли жароҳатлар олиншлари мумкин. Демак, ёши катталар ўзлари буни амалда бажариб, таълим-тарбияда ёшларга ибрат кўрсатишлари ва бу йўлда уларга ўрнак бўлишлари лозим.

Ғийбат қилмаслик

32. Абу Хурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳдан сўрадилар: “Эй Аллоҳнинг расули, ғийбат нима?” Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “***Ўз биродаринг ҳақида у ёқтирмайдиган гапни гапиришинг***”, дедилар. (Шунда:) “Айтингчи, мен айтган нарсани биродаримда бўлса-чи?” дейилди. У зот: “***Агар сен айтган нарсани унда бўлса, уни ғийбат қилган бўласан, агар сен айтган нарсани унда йўқ бўлса, унга бўҳтон (туҳмат) қилган бўласан***”, дедилар”.

Изоҳ: Исломда бировни ғийбат қилиш у ўлгандан кейин унинг гўштини емоқ билан баробар экани Қуръони каримда таъкидланган. Ғийбат қилган киши худди бировнинг гўштини еган билан тенг ҳисобланади.

Мўмин киши сўкинмайди

33. Абдуллоҳ (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Мўмин киши таҳқирловчи, лаънатловчи, фаҳш сўзловчи ва сўкинувчи бўлмайди”, дедилар».

Изоҳ: Ҳадиси шарифда мўмин кишига муносиб бўлмаган тўртта сифат санаб чиқилмоқда, яъни мўмин киши ўзгаларни таҳқирламайди, уларнинг устидан кулмайди ва уларни мазах қилмайди. Мўмин киши ўзгаларни лаънатламайди, дуойибад қилишга ошиқмайди. Мўмин кишининг оғзидан фақат яхши сўзлар чиқади. У асло ўзгаларнинг шаънига путур етказувчи сўзларни айтмайди.

Жаннатдаги хоналар ким учун?

34. Али (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Албатта, жаннатда шундай хоналар борки, уларнинг ичидан сиртини, сиртидан ичини кўрасиз”,** дедилар. Шунда бир аъробий ўрнидан туриб: “Эй Аллоҳнинг расули, булар ким учун?” деб сўради. У зот: **“Яхшиликни сўзлаган, (ўзгаларни) таомлантирган, давомли рўза тутган ва кечаси инсонлар ухлаётганда Аллоҳ учун намоз ўқиган киши учундир”,** дедилар».

Изоҳ: Ҳадиси шарифда бир неча яхши хислатлар санаб чиқилиб, уларга жаннатда ичидан сирти, сиртидан ичи кўриниб турадиган муҳташам уйлар борлиги ваъда қилинмоқда. У хислатлар яхшиликни сўзловчи, ўзгаларни таомлантирувчи, кўп рўза

тутовчи ва кечалари Аллоҳ таолонинг розилигини умид қилиб намоз ўқувчидир.

Ёлғончилар жаннатга кирмайдилар

35. Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***“Ёлғончи, миннат қилувчи ва бахил киши жаннатга кирмайди”***, дедилар”.

Изоҳ: Ҳадисда ёлғончи киши билан бир қаторда қилган хайр-эҳсонини миннат қилувчи, бахил қилишлар жаннатга кирмаслиги айтилмоқда. Шундай экан, ёшлиқда ёлғон гапирмасликка ўрганилса, бу аста-секин инсоннинг хулқига айланади ва инсон хулқига айланган нарсани чиқариб юбориш жуда мушқил бўлади. Шунинг учун фарзандларимизни ёшлиқдан тўғри сўз, саховатли этиб тарбиялаш, воёга етказиш муҳим аҳамият касб этади.

Шукр қилиш ҳақида

36. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***“Инсонларга шукр қилмаган киши Аллоҳга ҳам шукр қилмайди”***, дедилар.

Изоҳ: Аллоҳ таолонинг улуғ неъматлари инсонларга ҳар он бериб турилади. Улар шунчалик кўп-ки, саноғига етиб бўлмайди. Шайх Саъдий (рахмагуллоҳи алайҳ) айтадиларки, агар бошқа неъматларини

қўйиб, фақат тириклик неъматини сарҳисоб қилинса, шунинг ўзиёқ беҳисоб бўлади. Чунки ҳар бир нафасда икки неъмат яширилгандир. Нафаснинг ичкарига кириши бир неъмат бўлса, ташқарига чиқиши иккинчи неъматдир. Зеро, нафас ичкарига кириб, ташқарига чиқмаслиги ва ташқарига чиқиб, ичкарига кирмаслиги алоҳида-алоҳида икки мусибатдир. Шу боис, ҳар нафасда инсонга икки неъмат ҳосил бўлиб, иккаласи учун шукр қилиш вожиб бўлади. Шунинг учун, киши ҳар нафас олганда бир марта шукр айтган тақдирда ҳам нафас неъматининг шукрини адо қила олмаган бўлади. Энди, инсон унга ато қилинган бошқа беҳисоб неъматларнинг шукрини қандай ҳам адо қилсин?!

Аллоҳ таолонинг неъматлари шукрини тўлиқ адо қилиш инсон тоқатидан ташқари ишдир. Лекин кўп шукр қилиш ниҳоятда махбуб амал бўлиб, унга беҳисоб савоб берилади ва у сабабли бандага ато этиладиган неъматлар зиёда бўлиб бораверади. Натижада, Аллоҳ таоло билан алоқаси мустаҳкамланади.

Инсонга шайтоннинг энг биринчи ҳамласи ношукрликка мубтало қилиш орқали бўлади. Қуръони каримда шайтонга қиёмат кунигача имкон берилгани таъкидланади. Иблис Аллоҳ таоло олдида ўз хоҳишини ошқора қилиб: **“Мен Сенинг бандаларингни адаштираман ва ҳар томондан уларга ҳу-**

жум қиламан”, деди. Сўнг ўз ҳамласи натижасини баён қилиб айтади: “(Натижада) уларнинг аксариятини шукр қилувчи ҳолда топмайсан” (Аъроф сураси, 17-оят).

Маълум бўлишича, шайтоннинг катта истаги ва ҳаракати Аллоҳ таолонинг бандаларини шукр ибодатидан маҳрум қилиб, уларни ношукр бандга айлантиришдир. Аксинча, шукр қилувчи банда шайтон алдовларига тайёр тургани боис, унинг ҳийлалари қурбони бўлмайди.

Гуноҳ ва хатоларга пушаймон бўлиш

37. Анас (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳ таолодан ривоят қилиб дедилар: “Эй одам боласи, сен Менга дуо қилдинг ва Мендан умид қилдинг. Мен эса, сени гуноҳингга аҳамият бермасдан кечириб юбордим. Эй одам боласи, агар гуноҳларинг осмон булутича бўлса ҳам, Менга истиффор айтсанг, гуноҳингни кечирдим. Эй одам боласи, агар Менга ер тўлалигича хатолар билан келиб, сўнгра Менга бирор нарсани ширк келтирмасдан йўлиқсанг, ернинг тўлалигича магфират билан бораман”.

Изоҳ: Инсон ҳаётда хавф ва ражода, яъни Аллоҳ таолодан хавфда ва Унинг раҳмагидан, фазлидан умидвор ҳолда яшаши керак. Қини бир

гуноҳни билиб-билмай қилиб қўйса, орқасидан истиғфор, тавба қилишга киришиши лозим. Аксинча, гуноҳ қилиб ортидан бепарво бўлинса, битта гуноҳ иккинчи гуноҳни келтириб чиқаради ва шу зайлда давом этиб, инсон гуноҳлар уммонига ғарқ бўлади. Кишида қилган хато-камчилик ишларига тавба қилиш истаги пайдо бўлса, уни асло кечиктирмай, қиблага юзланиб, тавба қилишга киришиши лозим. Банда гуноҳларининг кўплигига эмас, Яратган раҳматининг кенглигига қараши даркор.

Ҳалол меҳнат қилиш

38. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***“Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, сизлардан бирингизнинг елкасига ип бойлаб ўтин ташиши кишилардан бирор нарса умид қилганидан хайрлироқдир. Сўралган одам эса ё беради ёки бермайди”***, дедилар.

Изоҳ: Инсоният тарихида бу каби ўз меҳнати билан ҳаёт кечирishга тарғиб бўлмаса керак. Бировдан бир нарса сўраб олиб турмуш кечирish ўрнига, арқонни олиб, далага чиқиб ўтин териб келиб сотиш яхши экан.

Баъзи бир кишилар ўтин териб сотиш, мардикорлик қилиш ёки шунга ўхшаган ишларни қилишни орҳисоблайдилар. Аммо бировга ёлвориб, бир нарса

сўраб ейишни ўзларига эп кўрадилар. Ёки айримлар бировнинг ҳақини турли ношаръий йўл ва услублар ила ҳаромдан олиб ейишлари билан кериладилар. Ҳолбуки, бировга тиланиб кун кечириш ҳақиқий ор қилинадиган ишдир. Бировнинг ҳақини ҳаром йўл билан олиш эса, катта гуноҳдир. Аксинча, ҳалол йўл билан, пешона тери тўкиб ҳаёт кечириш энг тўғри, энг шарафли ишдир. Ризқ топиш учун қилинадиган ҳалол меҳнатнинг катта-кичиги, обрўли-обрўсизи бўлмайди.

Мўминга етган озор унинг гуноҳига каффоратдир

39. Ойша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): ***“Мўминга бир тикон кирса ёки ундан оғирроқ мусибат етса ҳам, албатта, Аллоҳ ўша туфайли унинг даражасини кўтаради ва гуноҳини ўчиради”***, дедилар”.

Изоҳ: Аллоҳ бандаларига раҳм қилиб айрим ишлар билан, қилинган ибодатлар ва банда бошидан ўтказган дардларни номаи аъмолидаги гуноҳларга каффорат қилди. Ана шундай ишлардан бири, бандага етган азиятдир. Банда касал бўлса, Аллоҳ унинг номаи аъмолида кичик-кичик гуноҳларни мағфират қилади. Лекин катта гуноҳлар учун банда, албатта, тавба қилиши зарур.

Қадар

40. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан: “Эй Аллоҳнинг Расули, айтинг-чи, солдирадиган дамимиз, даволанадиган давомиз ва сақланадиган нарсамиз Аллоҳнинг қадаридан бирор нарсани қайтарадимиз?” деб сўралди. У зот: “*Ўшалар Аллоҳнинг қадаридандир*”, дедилар”.

Изоҳ: Одамларда, Аллоҳ таоло касал бўлишни ҳам, тузалишни ҳам тақдир қилган бўлса, унда даволанишнинг нима кераги бор, деган фикр бор. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эса, ўша даволанишга уриниш ҳам Аллоҳнинг тақдири эканини баён қилдилар. Яъни бемор бўлиш Аллоҳнинг тақдири ила бўлади, шу билан бирга даволаниш орқали тузалиш ҳам Ўша зотнинг тақдиридандир.

Мундарижа

Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг ҳаёти ва илмий ижоди	3
Имом Термизийнинг «Ал-Жомеъ Ас-сунан» асаридан 40 ҳадис ...	8
Мўмин ким?	8
Ўзгаларга азият бермаслик	9
Илм изловчиларга бериладиган мукофотлар	11
Илм олишдан мақсад... ..	14
Бешиқдан то қабргача илм излаш	15
Тиланчиликдан сақланиш	16
Судхўрликдан сақланиш	17
Эҳтиёжларимизни Яратгандан сўрайлик	18
Салом бериш	19
Касал кўргани бориш	20
Қатгаларни ҳурмат қилиш	21
Ўзгаларга ёрдам бериш	22
Гўзал хулқ	23
Эрта тонгдан иш бошлаш	25
Кўчат ўтказиш	25
Тилни тийиш	26
Беҳуда гап-сўзлардан тийишиш	26
Яхши гумонда бўлиш	27
Фарзандга гўзал тарбия бериш	28
Чап қўлда еб-ичмаслик	29
Овқатланишдан олдин “бисмиллоҳ” айтиш	30
Олдин онага, сўнг отага ва қариндошларга яхшилик қилиш	31
Ғазаб қилмаслик	31
Мулойим ва сабрли бўлиш	32
Ҳаё	34
Инсонларга раҳмли бўлиш	34
Бошқаларнинг обрўсини сақлаш	35
Ҳар бир яхшилик садақадир	36
Икки ёмон ҳислат мўминда жам бўлмайди	36
Кибрдан сақланиш	37
Озор берувчи нарсаларни йўлдан олиб ташлаш	38
Ғийбат қилмаслик	39
Мўмин киши сўкинмайди	39
Жаннатдаги хоналар ким учун?	40
Ёлғончилар жаннатга кирмайдилар	41
Шукр қилиш ҳақида	41
Гуноҳ ва хатоларга пушаймон бўлиш	43
Ҳалол меҳнат қилиш	44
Мўминга етган озор унинг гуноҳига каффоратдир	45
Қадар	46

ИМОМ
ТЕРМИЗИЙДАН
ҚИРҚ ХАДИС



ISBN 978-9943-12-546-9

